



2019 йил у.г «13» март № 740-К

Qo'shrabot t., - p Кушрабад

Самарқанд вилояти ҳокимининг 2019 йил 11 мартдаги 77-Қ-сонли  
“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-  
қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик  
фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4235-сонли  
қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги қарори тўғрисида

Туманда хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини  
кучайтириш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларни янада қўллаб-қувватлаш,  
меҳнат фаолиятини рағбатлантириш ва одил судловга эришиш даражасини ошириш  
мақсадида

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд вилояти ҳокимининг 2019 йил 11 мартдаги 77-Қ-сонли  
“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-  
қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик  
фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4235-сонли  
қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорига кўра,  
2019 йил 1 майдан:

аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича тақиқлар бекор  
килинганлиги;

тавсиявий характердаги аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган  
соҳа ёки касблар рўйхати тасдиқланиши;

бола парваришlash таътилининг камида уч ойи ота томонидан фойдаланилган  
тақдирда, ота ёки онадан бирига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг  
234-моддаси тартибида қўшимча бир ой нафақа тўланадиган бола парваришlash  
таътили берилиши;

икки ёшга тўлмаган фарзандини тарбияловчи ота-оналарнинг бирига уларнинг  
иш пайтидаги дам олиш ва овқатланиш, болани овқатлантириш

учун бериладиган танаффуслар ҳисобидан иш берувчи билан келишилган ҳолда кун давомида фойдаланиладиган танаффус вақтини белгилаш ҳуқуқи берилиши;

аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли, улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланиши;

эркак ва аёллар ҳуқуқлари тенглигининг бузилиши билан боғлиқ ишларнинг судларда кўриб чиқилишида аёлларга адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик хизмат учун ҳақ уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қопланиши белгилаб кўйилганлиги;

Шунингдек,

Хотин-қизларнинг гендер камситилишига йўл кўймаслик мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси кўмагидаги Хотин-қизларнинг гендер тенглигини химоя қилиш бўйича комиссия тузилганлиги;

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси, Савдо-саноат палатаси ҳамда Иктисодиёт ва саноат вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмиталари кўмагида нодавлат-нотижорат ташкилот мақомига эга бўлган “Хотин-қизлар тадбиркорлик марказларини (кейинги ўринларда марказлар деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

1. Куйидагилар марказларнинг асосий вазифалари этиб белгиланганлиги инобатга олинсин:

туман Бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда узок муддат бола парваришlash таътилида бўлган, мушкул иктисодий ахволга тушган аёлларни меҳнат бозорида талаб этилаётган касблар бўйича қайта тайёрлаш ва уларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш;

тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган аёлларни марказларга жалб этиш ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишига кўмаклашиш;

аёлларнинг ўз бизнесини ташкил этиш ва юритиш кўникмаларини шакллантириш, бизнес ғояларини тайёрлашда консултатив ёрдам бериш, шу жумладан, лойиха бизнес-режасини тайёрлаш, солиққа тортишнинг турли режимларини танлаш ва қўллаш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ва бошқа йўналишлар бўйича ўқитишни ташкил этиш;

зарур ҳолларда, фаолиятини бошлаётган тадбиркор хотин-қизларга маҳаллалардаги бўш турган бинолардан жой ажратилишига кўмаклашиш;

тадбиркор аёлларга ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этишда зарур маслаҳатлар бериш ва амалий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, ишончли ҳамкорларни топиш, минитехнологиялар ва ускуналар сотиб олишда кўмаклашиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг реализация қилинишига кўмаклашиш;

норасмий фаолият юритаётган хунарманд аёлларга рўйхатдан ўтиш, “Хунарманд” уюшмасига аъзо бўлиш орқали солиқлар ва бошқа турдаги имтиёزلардан фойдаланишда ҳамда имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам кўрсатиш каби вазифалари.

2. Туман Хотин-қизлар кўмитаси туман Адлия бўлими билан биргаликда бир ой муддатда:

“Эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ва “Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари лойиҳаларига таклифларни ишлаб чиқиб, Вилоят Хотин-қизлар кўмитаси ва Вилоят Адлия бошқармасига киритилишини таъминласин.

3. Туман ҳокимининг ўринбосарлари (И.Сафиддинов, М.Шамсиева) белгиланган бир ой муддатда Марказларни барча шароитларга эга бўлган хизмат хоналари билан таъминласин.

4. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази туман Адлия бўлими ҳамда Хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларини хотин-қизларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ҳуқуқлари камситилиши ҳолатлари мавжудлиги нуқтаи-назаридан инвентаризация қилиб, тегишли таклифларни Вилоят Бандлик бош бошқармаси ҳамда вилоят Адлия бошқармасига киритсин.

5. Тумандаги “Истикбол сари” газетаси (Х.Мамарасуловга) мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг ёритилишини ташкил этиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими



Ҳ. Окбўтаев